

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 14 август, № 156 (6086) Пайшанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



ФАХР







**23** йил — кўҳна тарих олдида кўз очиб юмгунчалик фурсат. Бироқ ана шу қисқа давр мобайнида халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Асрларга татигулик ютуқлар қўлга киритилди. Кўнгиллардан бошланган ободлик шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида ўз аксини топиб бормоқда. Бунга бошқа ҳудудлар қатори тобора гуллаб-яшнаётган Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам амин бўлишимиз мумкин.



Қорақалпоғистон Республикаси:

## БУНЁДКОР ЭЛ САОДАТИ

Бугун Оролбўйи аҳли энг улуғ, энг азиз байрамимизни катта муваффақиятлар, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан, хуш кайфиятда қарши олмоқда. Негаки, ҳар бир қадамда бунёдкорликнинг қудратини ҳис қилаяпмиз. Шунинг учун ҳам иккиланмай айтамизки, биргина Нукус шаҳрига бундан беш-олти йил олдин келган одам унинг ҳозирги жамолини кўриб, ҳайратланиши аниқ. Бу ердаги янгидан барпо этилган сўлим хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар, муҳташам тураржой ҳамда иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Бинобарин, ўтган йиллар давомида азиз шаҳримиз ўзига хос меъморий кўринишга эга бўлди. Унинг фавворалари, муҳташам бинолари кўз кўрса қувонадиган, завқли ва файзли. Тошкент аграр университети, Тошкент тиббиёт педиатрия институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиаллари, замонавий услубда бунёд этилган қанчадан-қанча касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар... Шунингдек, қулай ва шинам меҳмонхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, Тошкент акушерлик-гинекология илмий тадқиқот институтининг Нукус филиаллари томонидан аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар илмий-экспертлар доиралари вакилларидан қутловлар келиши давом этмоқда. Жумладан, Латвияда инглиз тилида нашр этиладиган "The Baltic Course" журналининг ношири ва бош муҳаррири, иқтисод фанлари доктори, Балтия халқаро академияси профессори Ольга Павук "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган натижалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.*

Ольга Павук:

## «Ўзбекистон ва Латвия ўртасида иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланмоқда»

— "Соғлом бола йили" Давлат дастури "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мантиқий давомидир, — деди у. — Иккинчи дастур доирасида мактаб ва касбий таълим соҳасини ривожлантиришга давлат бюджетининг 50 фоизига тенг миқдордаги маблағ йўналтирилган эди.

Ўз-ўзидан аёнки, болалар нафақат энг замонавий мактаб, коллеж ва лицейларда таҳсил олишлари, шу билан бирга, соғлом бўлишлари ҳам лозим. Шу ўринда мамлакатингизда бўлган чоғимда Самарқандда жойлашган, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган клиникаларда бўлганимни маълум қилишни истар эдим. Мазкур клиникаларда фидойи шифокор ва тиббий ходимлар хизмат қилишаётганини кўрдим. Ўйлайманки, мамлакатингиз раҳбариятининг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари аҳоли саломатлигига қаратилган юксак эътиборидан далолат беради. Бундай шифо муассасаларининг сони тобора ортиб бораётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳолдир.

Республикангиз халқ анъаналари, урф-одат ва миллий маданиятини сақлаб қолган ҳолда замонавий давлат қуришга муваффақ бўлди. Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистонда бир мактабнинг ўзида ўзбек ва рус тилида ўқувчиларга сабоқ бериладиган синфлар мавжудлиги ҳам эътиборга сазовор. Ота-оналар, миллатидан қатъи назар, ўз хоҳишларига кўра, фарзандларини ўзбек ёки рус синфларига жойлаштиришлари мумкин. Болалар эса, ўз навбатида, ҳар куни турли маданият ва анъаналар билан таништирилади ва бу орқали уларда XXI аср учун хос бўлган глобал дунёқараш шакллантирилади.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги муносабатлар ҳар доим дўстона бўлган. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Лиепае шаҳрида логистика маркази очилмоқда, у орқали Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавотлар Болтиқбўйи мамлакатлари ва Шимолий Европага етказиб берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйининг очилиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Ўз навбатида, Латвия ҳам Буюк Ипак йўлининг қайта тикланишида иштирок этишни режалаштирмоқдаки, бу мамлакат транспорт тармоғини ва умуман, иқтисодиётни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан табриклашни истар эдим. Меҳмондўст ва баракали заминда истиқомат қиладиган халқнинг фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадга эришиш йўлида Ўзбекистон раҳбариятига улкан зафарлар тилайман.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

## Қисқа сатрларда

● "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизғин давом этмоқда. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ташкил этилган мазкур ҳафталикда Тошкентдаги ихтисослаштирилган тиббиёт илмий-амалий марказларнинг малакали мутахассислари Кегейли, Нукус, Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

● **"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

● Наманганда экологик экспертизани амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида иштирокчилар экологик экспертиза қонунчилиги талабларининг бажарилиши борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Экологик экспертизани амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг компания тизимидаги ижросига бағишланган ўқув-семинарда телевидение ва радио ходимлари ушбу Қонуннинг асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида сўз юритдилар.**

● Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами яқинлашиб келаётган айни кунларда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясига қарашли Ховос бирлашган шифохонаси қошида замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги диагностика маркази фойдаланишга топширилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИСЛОҲОТ

*Бугунги кунга келиб дунё ҳамжамияти энергия ишлаб чиқаришда қўшимча имкониятларни юзага чиқариш давр талаби эканлигини чуқур англаб етди. Зеро, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг сабаб ва омиллари жуда кўп.*

## ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ВА ФАРОВОНЛИК

Масалан, бу, аввало, жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани, айни пайтда барчамиз билган ва кундалик ҳаётимизда фойдаланаётган анъанавий углеводород хом ашёси бўлмиш нефть ҳамда газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб, қазиб олинаётган ёнилғини сарф этиш миқдори мисли кўрилмаган даражада ортиб бораётгани, мазкур жараён эса атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига сезиларли тарзда таъсир кўрсатаётгани билан чамбарчас боғлиқ.

Халқаро экспертларнинг фикрича, дунёда ҳозиргача маълум бўлган нефть захиралари 54,2, газ 63,6, кўмир эса 112 йилга етиши мумкин экан, холос. Мана шу рақамлардан ҳам кўринадики, энергиянинг энг самарали ва истиқболли усулларини ҳаётга жорий этиш, илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш айни заруратдир.

Айни пайтда жаҳон миқёсида қайта тикланувчи энергия манбаларининг 2 та — қуёш ва шамол йўналиши анча оммалашмоқда. Буни кейинги ўн-ўн беш йил давомида нефть сарфи 13, табиий газ 31,4, кўмирда эса 56,4 фоиз ўсгани ҳолда, уларнинг муқобилидан фойдаланиш даражаси 260 фоизга етгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Европа фотоэлектрик саноати ассоциацияси (EPIA) таҳлилчиларининг маълумотига кўра, 2011 йилда дунёда жами ўрнатилган фотоэлектрик станцияларнинг қуввати 29,7 ГВтни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бундай станцияларнинг жами қуввати 38,9 ГВтга етказилди. Бу борада, айниқса, Италия, Германия давлатлари етакчилик қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергияси ишлаб чиқариш борасида улкан табиий имкониятга эга мамлакат. Бошқача айтганда, юртимизда деярли барча фасл, аниқроғи, йилнинг 300 дан ортиқ кунида офтоб заминимиз узра ўзининг заррин нурларини сочиб туради. Қолаверса, юртимиз ҳудудида ўзига хос шамол йўллари ҳам мавжуд. Демак, бизда муқобил энергиядан фойдаланиш жуда истиқболли. Ўтган йили "Қуёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари" мавзуидаги Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши айнан Ўзбекистонда ўтказилгани, унда кўплаб олим ва мутахассислар соҳа олдида турган муаммоларни таҳлил этиб, келгуси режаларни белгилаб олгани бежиз эмас.

Чиндан ҳам, республикамизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ишлар тобора ривожлантирилмоқда. Жумладан, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги ва "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий ишларни жадаллаштирди.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқнинг экспортчи корхонаси

*Наманган туманининг Ровустон қишлоғида ташкил этилган "Нафис текс гроуп" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини ташқи иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишдан бошлади.*

ТАДБИРКОРЛИК

Бизнес лойиҳанинг ўзига хос жиҳати шундаки, корхона тўлиқ экспорт учун ишлайди.

— Бугун мамлакатимизда тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотларига халқаро бозорда талаб юқори, — дейди МЧЖ раҳбари Абдулҳамид Раҳимов. — Шу боис тадбиркорликнинг мазкур йўналишини танладик. Молия муассасаси 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити билан бизнес лойиҳамизни қўллаб-қувватлади. Бу маблағ ҳисобига замонавий дастгоҳлар харид қилдик, бинони реконструкциядан чиқардик.

Айтиш лозимки, қишлоқда барпо этилган мазкур кичик бизнес субъекти ҳудудда бандлик даражасининг юксалишига муносиб ҳисса қўшади. Айни пайтда бу ерда 110 киши меҳнат қилаётир. Қувватлар тўла ўзлаштирилгач, улар сони 200 кишига, ойлик маҳсулот тайёрлаш ҳажми эса 10 минг донага етади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2014 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида қарийб**

**2700 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.**

Замонавий муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилгани бунда муҳим омил бўлди.







## Тараққиётнинг улуғвор йўли

Истиқлол йилларида эришган улкан ютуқ ва натижаларимизнинг туб омил ҳамда мезонлари ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, изчиллик ва қатъият билан ҳаётга жорий этилган, дунё миқёсида тараққиётнинг "ўзбек модели" дея тан олинган мустақил ривожланиш йўлимиз ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Бу йўлнинг асосий тамойиллари қандай мураккаб синов ва машаққатлар, қизғин тортишувлар, кўп йиллик ҳаётий тажриба маҳсули сифатида вужудга келганини, ана шу қоида ҳамда тамойилларнинг ҳар томонлама тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.



Истиқлол сурури

# МУҚАДДАС БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

*Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишни хоҳламайдиган йигит йўқ. Мана, ўзимдан қиёс. Болалик орзуим сабаб, олис бир қишлоқдан келиб, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқияпман.*

*Мустақиллик йилларида миллий армиямиз сифат жиҳатдан шундай такомиллашиб, профессионаллашдики, эндиликда ҳарбий бўлиш учун фақатгина иштиёқнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун ҳар йигитдан пухта билим, юқори салоҳият, жисмоний ва руҳий тайёргарлик талаб этилади.*

*Шундай бўлди ҳам. Ўқишга киришимда муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтганим қўл келди. Аскарликда чинакамига чиниқдим, тобландим. Ўй-фикрларим, тафаккурим равшан тортди. Хизматни муваффақиятли якунлаб, олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча балл шаклидаги имтиёздан фойдаланиш имкониятига эга бўлдим. Бу менинг орзуимга эришиш сари муҳим қадам бўлди.*

*Баъзан билим юртимизнинг катта авлодга мансуб офицер ва сержантларидан собиқ тузум армияси ҳақида эшитиб, ҳайрон қоламиз. Кўча чангитиб юрган йигитни дабдурустдан "военкомат"га чақириб, сочини олиб ташлашса-ю, хизматга жўнатишса... Қизиқ-а?! Ота-онаси билан тузукроқ хайрлаша олмай, ўзи ҳатто харитадан ҳам тополмайдиган жойларга кетаверишган эканда акаларимиз...*

*Шукрки, биз мустақил юрт ўғлонларимиз. Бугунги аскар ким учун ва нима учун хизмат қилаётганини яхши билади. У ўз Ватани, ўз уйини ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам болаликданоқ ҳарбий бўлишга интилади. Ўзини шу масъулиятли вазифага ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаб боради.*

*Ота-онасига, оиласига, халқига севги ва садоқати бўлган йигитгина Ватан ҳимоячиси бўла олади. Зотан, юртнинг ҳар қарич ери мўътабар. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш асл йигит учун энг муқаддас бурчдир.*

**Дўстбек МУҚИМОВ,**
**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ молия муассасалари барқарорлиги таъминланиб, ликвидлиги изчил ошиб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, уларнинг фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий пойдевор халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштирилаётгани салмоқли роль ўйнаяпти.*

Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани бу борада долзарб аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатнинг пишиқ-пухта ишлаб чиқилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари фаол қатнашди. Уни маромига етказиш мақсадида ишчи гуруҳ йиғилишлари, қатор семинарлар, давра суҳбатлари, сайловчилар билан учрашувларда батафсил муҳокамалар ўтказилди, жамоатчилик экспертизаси ташкил қилинди. Пировардида келиб тушган таклиф ва тавсиялар асосида мазкур ҳуқуқий ҳужжат янада такомиллаштирилди.

Хўш, ушбу Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятга, одамларга нима берди, қандай нафи тегаяпти?

Аввало, таъкидлаш лозимки, унга мувофиқ, кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди. Бугун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ҳамда "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюроси фаолият юритиб келаётир. Улар банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг қарздорлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тегишли ахборотлар базасини шакллантириш вазифаларини бажармоқда.

Шубҳасиз, мазкур Қонуннинг ишлаш самарадорлигини аниқлаш, мавжуд камчиликларни ўрганишда парламент назоратидан самарали фойдаланиш яқиндан кўмак беради. Шу мақсадда қуйи палата Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан эшитув ўтказилиб, унда соҳада амалга оширилаётган ишлар муфассал таҳлил этилди.

Назорат тадбирида маълум бўлдики, кредит ахбороти алмашинуви бўйича ҳуқуқий база яратилиши натижасида кредит таваккалчилиги камайди, кредит интизоми мустаҳкамланди, кредит портфели сифати янада яхшиланди. Муаммоли активлар бўйича захира яратиш харажатлари озайди, кредит портфели ҳажми ошиб, кредит бозорида рақобат кучайди ҳамда фоиз ставкалари пасайди.

Мисол учун, мазкур Қонун қабул қилингунгача ушбу ахборотлар базасида 511 380 нафар юридик шахс ва 321 452 нафар жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар мавжуд эди. Ҳуқуқий ҳужжат амалиётга жорий этилиши туфайли йил бошига келиб, ушбу кўрсаткич мос равишда 839 007 нафар ва 2 778 785 нафарга етди. Ёки бўлмаса 2011 йил давомида кредит ташкилотларига тақдим этилган кредит ахборотлари сони 75 000 тани ташкил қилган эди. Қонун кучга киргач, бу беш баробар кўпайди.

Кўриниб турибдики, булар кредитлар ҳажми ошиши, ишончли мижозларга минимал талаблар асосида кредит берилишига туртки бўлаётир. Бу кредит бозоридаги соғлом рақобат янада кучаймоқда дегани ҳамдир. Демак, ушбу Қонуннинг қабул қилинишидан кўзда тутилган мақсадларга эришилаяпти.

Маълумки, мазкур Қонунда кредит ахбороти ва кредит тарихи таърифлари аниқ белгилаб берилган. Бу эса кредит ахбороти алмашинуви тизими маълумотлар базасини кенгайтирди. Пировардида бугунги кунда нафақат банклар, балки микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг, суғурта муассасаларининг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этиши таъминланди.

Ана шу интилишлар самаралари халқаро миқёсда ўз эътирофини топаётгани эътиборлидир. Масалан, Жаҳон банкининг ҳар йили эълон қилинадиган "Doing Business" тадқиқоти якунларига кўра, Ўзбекистон "Кредитлаш" йўналиши бўйича юқори баҳоларга эришиб келаяпти. Юртимизда "Кредит ахборотининг кенглиги" индекси йил сайин ўсиб бораётгани бунга бир мисолдир. Чунки Қонун амалиётга жорий этилишидан олдин ушбу кўрсаткич 3 балл эди. У кучга киргандан сўнг мамлакатимиз энг юқори 6 баллик имкониятдан 5 баллга муносиб кўрилаяпти. Шунингдек, халқаро экспертлар Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти (давлат реестри) фаолиятини юқори баҳолаб, амалдаги иш тартиби айрим ривожланган давлатлар учун ўрнак бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Мухтасар айтганда, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши соҳани халқаро талаблар даражасида янада такомиллаштириб, Ўзбекистонда замонавий кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташкил этилишини таъминлади. Кредит тарихи институти орқали банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг кредит хатарларини сифатли ҳамда тез таҳлил қилиш, интизомли қарздорларга эса ўз кредит тарихларини таъминот сифатида фойдаланишга кенг имконият яратиб берилди. Қонун молия-банк соҳаси барқарорлиги ва ривожида, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда, пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилашда муҳим ҳуқуқий асослардан бирига айланди.

**Қобилжон ТОШМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Жалақудуқ туманилик Аъзамжон Темиров ўз оилавий корхонасида чинни буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

## Оиланинг янги бизнеси

У гарчи кулоллик билан аввал шуғулланмаган бўлса-да, бу соҳани обдан ўрганиб, мазкур лойиҳани рўёбга чиқарди.

— Хитой технологияси асосида қисқа фурсатда ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўзлаштирдик, — дейди тадбиркор. — Бизнинг чинни маҳсулотларимиз зарбга чидамли, яъни салга ҳам дарз кетавермайди. Шу боис уларга талаб ортаяпти. Қолаверса, хом ашё таъминоти билан боғлиқ муаммо йўқ.

Оилавий корхона аъзолари тез орада банк кредити эвазига ўз фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўрмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кўчма меҳнат ярмаркаси

*Қоракўл туманида ташкил этилган вилоят кўчма меҳнат ярмаркасида қатнашган Дилдора Саъдуллаева уйига мамнун ҳолда қайтди.*

Қоракўл тиббиёт коллежини тугатган Дилдорага туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира вазифасида ишлаш учун йўлланма берилди. Шу тариқа бу қиз тумандаги меҳнат ярмаркалари шарофати билан ишга жойлашган 185-фуқаро бўлди.

Умуман, ушбу тадбирда 21 корхона ва ташкилот ўзининг жами 369 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка якунига кўра, 28 нафар йигит-қизга ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ишга йўлланмалар тақдим этилди. 65 нафар фуқарога эса меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий тушунчалар берилди. Худди шундай кўчма ярмаркалар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кичик сармоя, катта натижа

*Зоминлик Шаҳло Ҳамидова бундан тўрт йил аввал 3 миллион сўмлик микрокредит билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эди.*

Унинг меҳнатсеварлиги ҳамда тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифати мижозлар сонининг ортишига, оилавий бизнеснинг равнақ топишига олиб келди. Айни пайтда тадбиркор аёл раҳбарлик қилаётган ва эндиликда "Моҳинур-Инобат" деб ном олган мазкур корхона томонидан мижозларга буюртма асосида кўрпа-тўшак, чойшаб ҳамда замонавий кўринишдаги турли пардалар етказиб берилмоқда.

Шу йилнинг ўзида "Моҳинур-Инобат" хусусий корхонаси фаолияти кенгайиши эвазига 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Оқтомнинг равон йўллари

*Янгиқўрғон туманидаги Оқтом қишлоғи тоғлар этагида жойлашган. Бу сўлим маскан инфратузилмаси тобора яхшиланиб бормоқда.*

Яқинда қишлоққа элтувчи автомобиль йўлида кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Янгиқўрғон тумани йўл хўжалиги корхонаси бу ерда 520 миллион сўмлик иш бажариб, 8 километр масофага янгидан асфальт ётқизди. Айни чоғда ҳудуддан оқиб ўтувчи сой устидаги кўприк ҳам қайта қурилаяпти. Кўприксозлар иншоотни энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаб туришибди.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 36 километр узунликдаги қишлоқ йўллари таъмирдан чиқарилиб, мазкур йўналишда 3,6 миллиард сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш суръатини ошириш, бу жараёнда ишлатиладиган табиий ресурслар сарфини камайтиришга эришишда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш даражаси такомиллаштирилаяпти.

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Қуёш энергияси халқаро институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида иш бошлаган муассасамизни ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, унда институтимиз жамоаси зиммасига соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомчиси сифатида қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш учун юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, қуёш энергияси салоҳиятини илғор ва самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни тайёрлаш жараёнини координация қилиш сингари кўплаб вазифалар юклатилди.

Институтимизда ушбу йўналишларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айтайлик, айни пайтда мамлакатимиз энергетикасининг асосини газда ишлайдиган 10 та иссиқлик электр станцияси ташкил қилади. Бу, табиийки, йилига салмоқли миқдорда ёнилғини сарфлайди. Мазкур масалага эса комбинацияланган қуёш-иссиқлик станцияларини такомиллаштириш орқали унинг иссиқлик қисмига қуёш энергиясида ишлашга мўлжалланган қўшимча қисмни қўллаш билан ечим топиш мумкин. Бунда сувни қуёш нури орқали олдиндан иситиб, сўнг уни газ ёқиш орқали буғ ҳолатига айлантирилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу жараёнда сезиларли даражада газ иқтисод қилинади.

Бундан ташқари, институтимиз йирик фотоэлектрик станцияларни қуришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Самарқанд вилоятида бунёд этилаётган қуввати 100 МВт бўлган қуёш электр станцияси шундай лойиҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу иншоот нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида беқиёс эканлиги билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, фотоэлектрик станцияларни қуришда тажриба orттириш мақсадида хорижий компаниялар билан алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовор. Хусусан, Корея фотоэлектрик ассоциация (KOPIA)си ҳамкорлигида Наманган вилоятининг Поп туманидаги Янгиобод қишлоғида қуввати 100 КВт бўлган фотоэлектрик станция қурилиши режалаштирилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу станция келажакда бошқа йирик станцияларни қуриш учун ўзига хос тажриба майдони, пойдевор вазифасини ўтайди. Яъни унда бундай станцияларнинг Ўзбекистон географик ва иқлим шароитида ишлаш жараёни, шу каби станцияларни тармоқларга улаш ҳамда бошқа жиҳатлари ўрганилади. Станция маромида ишлаши учун эса "Hanwha", "JSPV", "S-Energy", "TOPSUN", "KAKO" сингари соҳанинг илғор компанияларида тайёрланган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Хуллас, эндиликда муқобил энергиядан фойдаланиш иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасини ривожлантирувчи тежамкор ва самарали усул эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Қолаверса, муқобил энергия манбалари анъанавийларига нисбатан тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг қуёш, шамол, денгиз тўлқинлари, ер қаърининг геотермал, кичик гидроэнергетика, биомасса каби кўплаб турлари мавжудлиги эса бундай манбалардан фойдаланиш даражаси янада кенгайишидан далолат беради. Зеро, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишларини жадаллаштириш иқтисодий барқарорликни таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш омилидир.

**Ойбек ТУРСУНҚУЛОВ,**
**Халқаро қуёш энергияси институтининг бўлим бошлиғи.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси:

# БУНЁДКОР ЭЛ САОДАТИ

Мутлақо янгича асосда бунёд этилган Савицкий номидаги давлат санъат музейи нафақат халқимиз, ҳатто хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қилиб келаяпти. Бердақ номидаги давлат мусиқа театри капитал реконструкция қилинганидан сўнг чинакам санъат кошонасига айланди. Буюк олим Мирзо Улуғбек, қорақалпоқ мумтоз шоирлари — Бердақ ва Ажиниёз ҳайкаллари қад ростлаган хиёбонлар обод бўлди, файзга бурканди.

Айтаверсак, бу каби эзгуликларнинг саноғи йўқ. Уларнинг ҳар бири бизга улкан қувонч, фахру ифтихор бахш этади, албатта. Беихтиёр муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг: "Қорақалпоқ халқининг оғир табиий шароитда ҳам ўз юртига содиқ бўлиб, шу заминни севиб-ардоқлаб келаётгани, қийинчиликларга мардона чидаб ҳаёт кечираётгани, астойдил меҳнат қилаётгани — чинакам қаҳрамонлик, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бу сабр-матонат ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга арзийди", деган сўзлари ёдга тушади. Бундай қанотбахш калом замирида бизга кўрсатилаётган улкан эҳтиром мужассам. Ана шу юксак эътибор ва эъзоз туфайли бугун ҳар бир қадамда улуғвор ўзгаришларга гувоҳ бўлаяпмиз. Чунончи, спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ Нукус шаҳрида Олимпия захиралари ва Нукус спорт коллежлари, ёпиқ теннис корти, "Спорт манежи", кураш зали, "Орол", "Амударё" ва Олимпия захиралари коллежининг ёпиқ сув ҳавзалари, 20 дан зиёд болалар спорт майдончалари барпо этилди. Уларда бугун минглаб қорақалпоқ ёшлари спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, Эркинбой Қутибоев, Низаматдин Хожабоев, Азамат Ешатаев, Нодира Казакова, Алибек Крабаев, Нилуфар Гадоева, Баҳром Мендибаев каби жаҳон чемпионлари етишиб чиқиб, мамлакатимизни дунёга танитаяпти.

Ҳар бир халқнинг ҳаётини кўрмоқчи бўлсанг, бозорини бориб кўр, деган нақл бор. Шу маънода, бугун бозорларимизнинг тўкинлигидан кўнглимиз тўқ. Буларнинг бари истиқлол шарофати, халқимизнинг орзу-интилишлари самараси, албатта. Мана, ҳозир Оролбўйи минтақасида 3403 та фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат ривожида ҳам бу соҳа вакилларининг ҳиссаси катта. Эътибор беринг: биргина жорий йилнинг ўтган даврида 1346 та кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан жами 22 миллиард 687 миллион сўмлик истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Бунинг ҳисобидан 7670 та иш ўрни яратилди.

Бу кимни қувонтирмайди, дейсиз?!

Албатта, изланиш ва ташаббус муваффақиятлар сари йўл очаверади. Буни яхши англаган қишлоқ мулкдорлари ўз фаолиятини тобора кенгайтириш, пировардида эл-улусга муносиб хизмат кўрсатиш мақсадини дилларига тугишган. Амударё туманидаги "Амударё соҳили" фермер хўжалиги раҳбари Ислом Маткаримов ана шундай фидойи кишилардан.

— Элликдан зиёд ишчиларимиз бор, — дейди у. — Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битириб келган ёшлар. Ана шу билимдон ва ғайратшижоатли мутахассисларимиз саъй-ҳаракати билан катта ютуқларга эришаяпмиз. Мисол учун, бундан икки йил муқаддам банкнинг 2 миллиард 210 миллион сўмлик молиявий кўмагида Голландиядан замонавий технологияни олиб келган эдик. Зукко ёшларимиз кўмагида ана шу ускуналарни ўзлаштириб олгач, чорвачиликдаги муваффақиятларимиз кўлами янада кенгайди.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Қорақалпоғистон Республикасида кўнгли дарёдай тўлиб-тошиб турган бундай инсонлар кўп. Уларнинг юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, шижоат ва қатъияти дилларга олам-олам шодлик улашади.

Шундай хуш кайфият билан шаҳар марказидаги фавворалар отилиб турган майдонга йўл оламиз. Чор атроф меҳмону мезбонлар билан гавжум. Жозибали фавворалар вужудимизга ҳузур, дилимизга сурур бахш этади. Чеҳрасидан мамнуният ва самимият балқиб турган кишилар билан суҳбатлашамиз.

— Бу ерга невараларим билан тез-тез келиб тураман, — дейди Нукусдаги Марказий майдонда сайр қилиб юрган онахон Гулхумор Қутимова. — Шаҳримизнинг қоқ марказидаги Бердақ бобо ҳайкали салобат бағишлаб турган, фавворалар отилиб, уларнинг салқинидан намхуш ҳаво таралаётган ушбу майдонни зиёрат қилувчилар кўп. Бу ерга ҳар гал келганимда ўзим сингари нуронийлар билан суҳбатлашаман. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак меҳр ва эътибор, ғамхўрликлар тўғрисида бир-биримизга тўлиб-тошиб гапирамиз.

Ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, машаққатларини тортган, бугун эса дориламон кунларга етиб келганидан қувончи қалбига сиғмаётган бундай нуронийларнинг эътирофи, дуосига қўшилмай бўладими?! Ахир осмонимиз мусаффо, мақсадлар улуғвор бўлгани учун ҳам тандирларда тўлиб нонлар ёпилаяпти. Дастурхонларимиз тўкин, тўйхоналарда эса кунда-кунора бахт-иқбол садолари янграб, тинчлик-осойишталик тараннум қилинмоқда. Буларнинг барчаси озод ва обод юртимизнинг бугуни файзли, эртаси нурафшон, келажаги буюк эканлигининг ёрқин далолатидир аслида.

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**



Тошкент: Халқаро ҳамкорлик марказида 12 август куни Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Истиқлол суруri

# ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪЗОЗ САМАРАСИ

*Ота-она борки, фарзандининг тўрт мучаси бутун, бахтиёр бўлиб камолга етишини истайди. Унинг саломатлигини ҳар недан устун қўяди. Фаолиятим давомида бунга кўп бора иқрор бўлганман. Ваҳолонки, эндигина дунёга келган гўдакни бағрига босганча биз, шифокорларга умид ва нажот кўзи билан боқиб турган онанинг, отанинг кўнглидан кечаётган ҳисларни англаш қийин эмас.*

*Отам шифокор бўлишимни орзу қиларди. "Одамлар дардига дармон бўлишдан ортиқ бахт йўқ", дер эди шу ҳақда сўз кетса. Бу орзу мени Бойсундан пойтахт сари етаклади. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таҳсилни тамомлагач, Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ишга келдим. Мана, шу марказнинг чақалоқлар патологияси бўлимида ишлаётганимга ҳам икки йилдан ошибди.*

*Мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланиб, Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган етакчи давлатлар қаторида экани барчамизни қувонтиради. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарасини тиббиёт марказимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Тубдан реконструкция қилиниб, шу йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилган муассасамизнинг замонавий қиёфасини, яратилган қулайликларни кўриб, кўз қувнайди. Сўнгги русумдаги технологияларнинг келтирилиши эса ташхис қўйиш ва даволаш ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Хуллас, мукаммал шароитда ишлашимиз учун барча имконият мавжуд.*

*Бизнинг бўлимда зотилжам, ошқозон-ичак, туғма нуқсонли ва бошқа касалликка чалинган чақалоқлар даволаб парваришланади. Илгари жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарурати бўлганида ёки бошқа оғир ҳолатларда бемор гўдаклар пойтахтдаги тиббиёт муассасаларига жўнатилар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Марказимиз моддий-техника базаси, кадрларимиз салоҳияти тобора яхшиланиб бораётганининг меваси бу! Ёши улуғ устозларимиз собиқ тузум даврида барча соҳадаги каби тиббиётда кузатилган камчиликларни, оғриқли муаммоларни хотирлаб, сўзлаб беришганида ҳозирги ютуқларимиз, ўзгариш ва янгиланишлар ўз-ўзидан бўлмаётганини англаймиз. Шундай кезларда кўнгилдаги мамнунлик ҳисси янада ортади. Зеро, юрт равнақини фарзандлари камолотида кўрган эл ҳеч қачон кам бўлмайди.*

**Дилафрўз РАВШАНОВА,**
**Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори.**

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●


*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр»)**

**геодезия, полиграфия, компьютер жиҳозлари, тупроқ лабораторияси ва дизель генераторларни етказиб бериш бўйича тендер савдолари узайтирилганлигини эълон қилади.**

**Етказиб бериш шартлари** — CIP Тошкент (аэропорт ёки темир йўл станцияси).

**Етказиб бериш жадвали** — қайтарилмайдиган аккредитив очилган пайтдан бошлаб 120 (бир юз йигирма) кун ичида.

**Тўлов шартлари** — харидорнинг ХЁАТБ «Davr-bank» банкида ёки у билан корреспондентлик муносабатларига эга бошқа банкларда, етказиб берувчи фойдасига қайтарилмайдиган ҳужжатли аккредитив CIP Тошкент шартлари асосида Ўзбекистон Республикасига товарнинг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси божхона органи белгиси туширилган накладнойлар ва бошқалар) банкка тақдим этилгандан сўнг эркин конвертацияланадиган валюта ҳисобини очиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларни сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига (бундан кейин — буюртмачи) ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Харид қилинадиган товарнинг энг юқори баҳоси, АҚШ долларида:**

**Лот № 1.** Полиграфия ускуналари: варақ тахлаш машинаси, тўплам учун энг юқори қиймат — 66000,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам.

**Лот № 3.** Юқори аниқликдаги 2 частотали GPS-приёмник, тўплам учун энг юқори қиймат — 45000,0 АҚШ доллари, миқдори — 4 тўплам.

**Лот № 4.** Юқори аниқликдаги 1 частотали GPS-приёмник, тўплам учун энг юқори қиймат — 5000,0 АҚШ доллари, миқдори — 25 тўплам.

**Лот № 5.** Юқори аниқликдаги нивелир (Н-05 ёки Ni002 русумига тенг), тўпламда штатив ва инвар рейкаси билан, тўплам учун энг юқори қиймат — 4000,0 АҚШ доллари, миқдори — 1 тўплам.

**Лот № 6.** Сервер, тўпламда, донаси учун энг юқори қиймат — 8000,0 АҚШ доллари, миқдори — 15 тўплам.

**Тендер савдоларида қатнашиш учун даъвогарларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:**

● фуқаролик ҳуқуқи қобилияти ва шартнома тузиш учун ваколатлар;

● тендер савдолари предметига ўхшаш товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш тажрибасининг мавжудлиги — камида 2 (икки) йил.

Тендер савдоларида иштирок этиш ва ҳужжатларни олиш учун тендер савдолари ташкилотчиси — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Геодезия ва картография миллий марказига қуйидаги манзил бўйича сўров билан мурожаат этиш лозим:

**Геодезия ва картография миллий маркази,**
**100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» даҳаси,**
**Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй, 200-хона.**
**Телефон: (+99871) 276-36-96.**
**E-mail: info@ygk.uz alexander_samborsky@yahoo.com**

***Тендер ҳужжатларининг бир тўплам нархи — 300,0 (уч юз) АҚШ доллари.***
***(Corr.Acc. 20210840300112480001 SAYOHATBRANCH***
***of the National Bank of Foreign Economic Relations of Uzbekistan. SWIFT CODE: NBFAUZ2X).***

**Тендер таклифлари юқорида кўрсатилган манзил бўйича тендер савдолари ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.**

**Тендер таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 25 август куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» даҳаси, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.**

1217А/639



**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси**

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги йўналишлар бўйича 2015 йилга ўқиш учун катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:**

01.02.04 — Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
05.22.03 — Темир йўлларининг ҳаракатдаги таркиблари, поездларни тортиш ва электрлаштириш
05.22.04 — Темир йўл транспортини ишлатиш
05.23.01 — Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар
05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари
05.23.08 — Темир йўллар қурилиши.

**Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

***Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100167, Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, ТошТЙМИ, 333-хона, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.***
***Телефонлар: (8-371) 299-00-26, 299-05-14.***

1116А/571


## КЎРИК-ТАНЛОВ

# «Юрт келажаги — 2014»

*Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Юрт келажаги — 2014" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг финал босқичи қизғин паллага кирди.*

Унда юртимизнинг барча минтақаларидан беллашувларнинг саралаш босқичларида муваффақият қозонган 600 нафардан зиёд йигит ва қизлар қатнашмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг келгуси фаолиятига кенг йўл очишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар "Архитектура ва дизайн, либослар дизайни", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар", "Анъанавий ва амалий санъат", "Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

Таъкидлаш керакки, танловда иштирок этиш истагидаги ёшларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жорий йилда республикамиз бўйлаб қарийб 55 минг нафар йигит-қиз кўрикда қатнашиш учун ариза топширди. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган туман ва вилоят саралаш босқичларида қатнашган ёшлар ўзларининг янги ғоялари, интеллектуал салоҳияти, мукаммал бизнес режалари, архитектура ва дизайн соҳасидаги янгича қарашларини намоён этишди. Уларнинг 606 нафари республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Танлов дастурига кўра, бир ҳафта мобайнида ўтказиладиган турли тақдимотлар, кўргазма, концерт, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилди.

— Танловнинг республика босқичи "Лочин" ёзги ўқув оромгоҳида ўтказилаётгани бежиз эмас, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Сарвар Ашуров. — Ўқув машғулотлари чоғида иштирокчилар махсус ишлаб чиқилган интерактив дастур бўйича ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиш усулларини ўрганишади ва семинар-тренинглар чоғида олинган назарий билимларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб боришади. Бу ёшларимизнинг бир ҳафта мобайнида турли танловлар, давра суҳбатлари, тренинглар ва кўнгилочар дастурлар, спорт беллашувларида қатнашиб, янги дўстлар орттириши, ўз қобилиятини намойиш қилиши учун яна бир имкониятдир. Маҳорат дарслари ва семинар-тренингларни ўтказиб бериш учун оромгоҳга малакали мутахассислар, турли соҳаларнинг тажрибали вакиллари таклиф этилди.

Оромгоҳда ғолибларнинг ижодий ишларига бағишланган кўргазмалар уюштирилиши кўзда тутилган. Якунда иштирокчилар "Юрт келажаги — 2014" танлови ҳакамлар ҳайъати олдида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Унда ўз йўналиши бўйича энг кўп балл тўплаган 48 нафар қатнашчига мутлақ ғолиблик мақоми берилади ҳамда улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**




**МАВЖУД ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ:**

- ҚУВУР ЁТҚИЗГИЧ "PipeLineMan PMGY-70";
- АВТОБЕТОН АРАЛАШТИРГИЧ "HOWO" (ҲАЖМИ 8 $м^3$).

**ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**

- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ТЕБРАТКИЧЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.




Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-"А" уй.**

**www.qurilish-lizing.uz**

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган




1120R/1161

**Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04**



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

* 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 304 395 957 сўм.***

* 0013-литердаги майдони 792,36 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 268 302 149 сўм.***

* 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 349 094 739 сўм.***

* 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
***Бошланғич баҳоси — 317 342 609 сўм.***

* 0016-литердаги майдони 1008,25 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
***Бошланғич баҳоси — 238 883 181 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий майдони 3406,69 кв.м., қурилиш майдони 699,18 кв.м. бўлган қурилиши битмаган кинотеатр биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 252 030 883 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ҳақиқат маҳалласи, Деҳқон бозори ёнида жойлашган, умумий майдони 742,95 кв.м., қурилиш майдони 742,95 кв.м. бўлган «Шоакбар» ресторани ва савдо дўкони ҳамда ундаги ускуналар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 320 559 062 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 703 308 210 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 550 231 663 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

1238R/1453

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти бошқармаси томонидан, Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплексининг мулкий мажмуаси.
***Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, майдони 1 (бир) гектар бўлган иссиқхона.
***Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

1239R/1453

Хизматлар лицензияланган.


Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-Марказий поликлиникаси жамоаси шифокор Холида Хуснутдиновна Камиловага волидаи муҳтарамаси

**НОРХОЖИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси неврология бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди

**Абдураҳмон Якубович ЗАХИДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент: "Истиқлол фарзандлари" деб номланган ёшлар фестивалининг биринчи куни Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш маросими билан бошланди.



Истиқлол сурури

# ОЛАМ БИЛСИН

*Ул мустабид, қадим замон ортда қолди,*
*Энди қарам, энди қадди хам эмасмиз.*
*Ғам ўрнини кўринг, дўстлар, шодлик олди,*
*Озод юртда биз ҳеч кимдан кам эмасмиз.*

*Амир Темур бобом айтган: "Болаларим,*
*Зуваламиз пишиқ бизнинг, хом эмасмиз".*
*Бугун эса Юртбошимиз айтар мудом:*
*"Фарзандларим, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз".*

*Карвонимиз борар дадил манзил сари,*
*Кўнглимиз тўқ, истиқболдан ғам емасмиз.*
*Бир сўз айтар бугун юртда ёшу қари:*
*— Замон келди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз.*

*Эй рақиб, сен "ким эдинг", деб урма кўп лоф,*
*Сен зўр бўлсанг, билгин, биз ҳам кам эмасмиз.*
*Кўриб қўйгин, бутун бир халқ этгай хитоб:*
*— Биз — озодмиз, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз.*

*Биз дунёга тинчлик тилаб турган халқмиз,*
*Ўзгалар ҳам бўлсин биздан кам демасмиз.*
*Олам билсин, шу бир сўзда бизлар ҳақмиз,*
*Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, кам эмасмиз!*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**



ТАНЛОВ

*Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг тасвирий санъат йўналиши бўйича тақдим этилган ижодий ишлар кўргазмаси очилди.*

## Нафис бўёқлар, бетакрор манзаралар

Ундан танловнинг вилоятларда бўлиб ўтган босқичларида тасвирий санъат йўналишида уч мингга яқин ижодий иши билан иштирок этган икки юз ўн нафар фотоижодкор, рассом ва дизайнерларнинг сара асарлари ўрин эгаллаган. Ушбу асарларда ўтмиш ва бугунги кун манзаралари, истиқлол йилларида барча жабҳада эришилаётган марралар, боқий қадриятларимиз, ёшларнинг таълим, фан, спорт, маданият соҳаларида қўлга киритган ютуқлари, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ўзининг ёрқин ифодасини топган.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# Табиат бағридаги сабоқ

*Бугун юртимизда фарзандларимизнинг етук ва баркамол бўлиб улғайишлари учун барча имконият яратилган. Биргина халқ таълими тизимига қарашли мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар келажагимиз ворисларининг билимини ошириш билан бир қаторда уларда турли касб-ҳунарга меҳр уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Жумладан, "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида ўқувчиларга ўлкашунослик ҳамда сайёҳлик, табиатшунослик, экология ва саломатлик каби йўналишларда қўшимча сабоқ берилмоқда. "Ёш ўлкашунос", "Ёш экскурсовод", "Ёш эколог", "Фольклор", "Моҳир қўллар", "Тўқиш", "Ёш мусаввир", "Компьютер графикаси ва дизайни", "Карвинг декорацияси", "Инглиз тили" каби тўгаракларда болалар мунтазам равишда касб сирларини ўрганиб боришади.

Марказ мухташам бинода жойлашган. Ҳар бир тўгарак хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айниқса, Ахборот-ресурс марказида 3 мингга яқин қўлланмалар, тавсияларнинг борлиги фойдаланувчилар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда. Ўқувчилар улардан фойдаланиш асносида турли расмлар, анимациялар яратишаяпти, кийим-кечаклар, пойабзалларнинг янгича дизайнлари устида ишлашмоқда.

Марказ томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган экологик боғлар ва музейлар, сўлим тоғ бағрига саёҳатлар уюштириш ҳам яхши анъанага айланган. Жумладан, иштирокчилар Бўстонлиқ туманидаги ёзги дам олиш оромгоҳларида тез-тез бўлишиб, тоғ жинслари, ўсимликлар дунёси ҳақида геолог ҳамда табиатшуносларнинг маърузаларини тинглашади. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга уюштирилаётган сафарлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда. Улар шаҳар ва унинг қадимий обидалари тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлишаяпти. Энг муҳими, кўрган-кечирганларини ўз ижодларида акс эттиришмоқда. Болажонларнинг бу каби сафарлардан олган таассуротлари "Обод юрт — бахтли келажак", "Ободлик кўнгилдан бошланади", "Оила — маҳалла — таълим даргоҳи", "Ватан келажаги учун менинг ҳиссам" каби кўрик-танловларда ўз аксини топмоқда. Муҳими шундаки, ёшларимизнинг ижоди нафақат мамлакатимизда, балки хорижда бўладиган халқаро танловларда ҳам эътироф этилаётир.



Мухтасар айтганда, марказимиз ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурди. Зеро, бу ерда болаларнинг қобилияти тобланмоқда, иқтидори шаклланаяпти. Бу эса келгусида уларнинг юрт корига ярайдиган фарзандлар бўлиб камол топишларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши муқаррар.

**Лола ЕШМУРЗАЕВА,**
**«Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази раҳбари.**

ТАБИАТ НЕЪМАТИ

*Хива шаҳрида анъанавий қовун сайли ўтказилди. "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятнинг ҳар бир туманидан келган фермерлар ўзлари етиштирган замин неъматлари билан қатнашди. Сайилга ташриф буюрган меҳмон ва хорижий сайёҳлар "Оқ новвот", "Обиноввот", "Хива бешаги", "Қариқиз", "Ширинпечак" каби қовун навларидан татиб кўрдилар.*

## Хоразмда қовун сайли

— Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, довруғи Мағрибу Машриққа ёйилган қовунларимизни чет эллик сайёҳлар ўртасида янада кенг тарғиб қилишдир, — дейди Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. — Қувонарлиси, йўқолиб бораётган баъзи қовун навларининг қайта тикланганига ҳам гувоҳ бўлдик. Шунингдек, сайил доирасида бошқа турдаги полиз маҳсулотлари ва мевалар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида сайилда энг фаол иштирок этган, Хоразм қовунчилиги соҳасини ривожлантиришга муносиб улуш қўшган деҳқонлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. "Хоразм" ва "Хива" фольклор-этнографик ансамблларининг театрлаштирилган чиқишлари сайилга ўзгача жозиба ва мазмун бағишлади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Анъанавий август кенгаши

## ўқитиш сифатини юксалтиришга хизмат қилади

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси вакиллари ҳамда илғор педагоглар иштирокида 2014/2015 ўқув йилида амалга ошириладиган ишларга бағишланган анъанавий август кенгаши ўтказилди.*

ТАЪЛИМ

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган мазкур ўқув-семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимига изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар ўзининг ёрқин самарасини бераётганини таъкидлашди.

Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Республикамиз бўйлаб қарийб барча мактаблар замонавий ўқув жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Шу боис бугун фарзандларимиз фан олимпиадалари, кўрик-танлов ва фестивалларда ўз иқтидорларини намойиш этиб келмоқдалар. Яқинда Корея Республикасида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги халқаро математика мусобақаси, Вьетнамда ўтказилган кимё фани бўйича Бутунжаҳон олимпиадасида ёшларимиз қўлга киритган ютуқлар барчамизга фахру ифтихор бағишлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, таълим муассасаларида чет тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет тилини ўқитиш бўйича давлат таълим стандартлари яратилди. Унга кўра, ўқувчилар 1-синфдан бошлаб хорижий тилни дарслик сифатида ўрганиб борадилар. Бунинг учун мактабларимиз зарур ўқув қўлланмалари, ахборот ва мультимедиа воситаларига эга. Бунда нафақат ўқувчилар, балки "Ўрган — ўргат" тамойилига мувофиқ, ота-оналар ҳам дарсда қатнашиб, ўз кўникмаларини ошириб боришлари мумкин.

Анжуманда янги ўқув йилида педагогларимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, педагогик жамоаларда ижодий муҳитни янада яхшилаш, дарс жараёнига инновацион технологияларни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилади. Шунингдек, жойларда барча қулайликка эга намунали мактаблар, фан ўқитувчилари учун "Инглиз тили сабоқлари" дарслари, ўқувчиларни маълум касбга йўналтириш мақсадида тўгараклар ташкил этилади.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Спорт



## Совринли ўринлар учун курашади

*Норвегиянинг Тромсё шаҳрида давом этаётган жаҳон шахмат олимпиадасининг ўнинчи турида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси аъзолари голландиялик рақибларини 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратишди.*

ШАХМАТ

Беллашувларда Рустам Қосимжонов, Антон Филиппов ва Марат Жумаев дуранг натижа қайд этди. Ёш истеъдодли шахматчимиз Жаҳонгир Воҳидов эса қизиқарли кечган баҳсда Робин ван Кампенни мағлуб этиб, терма жамоамизга муҳим бўлган ғалабани келтирди.

Ушбу муваффақиятдан сўнг вакилларимиз ўн беш очко жамғариб, 177 терма жамоа орасида еттинчи ўринга кўтарилиб олди. Шахматчиларимиз сўнгги турда ўзларидан кейинги поғонани банд этиб турган ҳиндистонлик "ақл гимнастикаси" усталари билан куч синашишади. Эътиборли жиҳати, ушбу турдаги ғалаба уларнинг совриндорлар сафидан жой олишини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ўнинчи турда чехиялик шахматчиларга қарши дона сурди. Беллашувларда ҳамюртларимиздан Ирина Геворгян рақиби устидан ғалабага эришди, Севара Боймуродова эса дуранг ўйнади. Афсуски, Сарвиноз Қурбонбоева ва Моҳинур Қаҳрамонова рақибаларига имкониятни бой бериб қўйди.

Қизларимиз охирги турда туркиялик шахматчилар билан баҳслашади.

## Ҳамюртимиз кумуш медаль соҳиби

*Хорватиянинг Загреб шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.*

КУРАШ

Нуфузли мусобақада ҳамюртимиз Маҳмуджон Шавкатов эркин кураш бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида кумуш медални қўлга киритди.

Бу Маҳмуджоннинг жаҳон чемпионатларидаги иккинчи муваффақияти ҳисобланади. У ўтган йили бронза медалига сазовор бўлган эди.

## Кубок ғолиблари аниқланди

*Андижонда триатлон бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.*



ТРИАТЛОН

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари сузиш, югуриш ва велоспорт бўйича ўзаро баҳслашди.

Учта ёш гуруҳи доирасида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақалар якунига кўра, энг юқори натижа кўрсатган Самарқанд вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Кейинги совринли ўринлар Тошкент ва Андижон вилоятлари спортчиларига насиб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОНЛАР

**«Ўзсаноатқурилишбанк»» ОАТБ томонидан стратегик инвесторларга таклиф.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Samarqand Pure Aqua» МЧЖ** — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

1077R/98

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор ва Шаматон қишлоқларида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1 035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1 043,37 кв.м. бўлган савдо маркази.
***Бошланғич баҳоси — 470 700 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 7 700 кв.м., қурилиш майдони 1 018,14 кв.м., фойдаланиш майдони 898,56 кв.м. бўлган трактор гаражи биноси.
***Бошланғич баҳоси — 103 600 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор тумани, Собир Раҳимов маҳалласи, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 20 200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 1 197 676 700 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 27 февралдаги 10-0816/14416-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Мустақиллик қўрғонида жойлашган, «Негиз Моҳир» кўп тармоқли нефть саноати ва энергетика ускуналари, газ пармалаш ва ишлаб чиқариш корхонасига қарашли, умумий ер майдони 57 977,30 кв.м., қурилиш майдони 20 459,83 кв.м. бўлган иссиқхона ва ёрдамчи бинолар такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 1 117 072 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 29 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 27 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1240R/1453

WWW.XS.UZ

Париж: Франциянинг "Le Figaro" кундалик газетасида тарихшунос олим Арно Блин қаламига мансуб "Жаҳон тарихидаги буюк саркардалар. Амир Темур" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5